



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 19 июль, № 140 (4293) • Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари ва азиз биродарим,
Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳи!
Мамлакатингизга ташрифим асносида Араб мувофиқлаштириш гуруҳи тузилмалари раҳбарларига кўрсатилган меҳмондўстлик учун Сиз, Жаноби Олийларига ўзининг чуқур миннатдорлигини билдириш шарафидан бахтиёрман.
Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва иқтисодий соҳаларда улкан муваффақиятларга эришилаётганлиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзининг табриклари билан бўлиб ўтган бағоят сермазмун учрашув учун ўзининг самимий миннатдорлигини билдиришмоқчиман. Биз Сизнинг буюк мерос ва бебаҳо қадриятларига эга Ўзбекистон халқининг фаро-

вонлиги ва тараққиёти йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларингизни юксак қадрлаймиз. Ислом тараққиёт банки Ўзбекистонни ҳақиқий ва ишончли шерик сифатида эътироф этиб, мамлакатингиз билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини билдиради.
Мен қодир Аллоҳдан Сизга мустақкам соғлиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бундан ҳам гуллаб-яшнаши йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда янада улкан муваффақиятлар сўраб қоламан.
Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эътиромимни қабул этгайсиз.
Самимият билан,
доктор Аҳмад Мухаммад АЛИ,
Ислом тараққиёт банки президенти.

фахрланадилар. Биз, шунингдек, қадимий шаҳар бўлмиш Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинганидан ҳам бағоят мамнунмиз.
Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Ислом тараққиёт банки Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ўзаро ҳамкорликни мустақкамлашти ва Сиз, Жаноби Олийлари томонидан эълон қилинган кенг қўламли иқтисодий ислохотларни бундан буён ҳам қатъият билан қўллаб-қувватлашни таъкидламоқчиман.
Шу ўринда, Сиз, Жаноби Олийлари билан бўлиб ўтган бағоят сермазмун учрашув учун ўзининг самимий миннатдорлигини билдиришмоқчиман. Биз Сизнинг буюк мерос ва бебаҳо қадриятларига эга Ўзбекистон халқининг фаро-



Водийларни яёв кезганда

ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН МУНАВВАР ВОҲА

Вилоятдаги тўнғич фермер хўжаликлари раҳбарларидан бири Муртоз ака Бўтаев билан танишганимизга 10 йилдан ошди. 34 гектар ерда пахтачилик қилаётган М.Бўтаев МТП дан культивация масаласида ёрдам сўраб келибди. Аникроли, шартнома тузишган экану МТП 3-4 кундан буён культивацияни кечиктираётган экан.
— Ўзингда йўқ — оламда йўқ, деганлари шу-да. Кимнингдир касрига қолиб, гўзаларимни ўтга бостирамани энди, — деганди ўшанда Мухтор ака хўноб бўлиб. — Бундан буён бир сўм даромад қилсак, техника сотиб олишга сарфлаймиз.
Яқинда фермер билан Дўстлик тумани марказида учрашиб қолдик. Уша кунларни эсладик. Айтганини қилибди. Ҳозир фермер хўжалигида 5 та "Беларусь", "Максим" трактори, 10 та тележка, плуглару культиваторлар жам экан. Пахта, галла, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришда ерга уруғ ташлашдан тортиб, то ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар ишлатилган техника ўзларида мавжуд. Фермер хўжалигида меҳнат қилаётган 41 та оила энди шартнома асосида бошқаларнинг юмушларини бажариш имкониятига эга. Бу билан ўз жамоасига қўшимча даромад келтириши, оиласи бюджетини бойитиши мумкин.
— Қўртбошимизнинг биз фермерларга, умуман тадбиркорларга кўрсатаётган ғамхўр-



ликларининг чеки йўқ, — дейди фермер. — Ажратилган имтиёзли кредит ва лизинглар ҳар бир жамоанинг буйи қўзиб оли-

шни таъминлайди. Ҳозир эса биз ўз даромадларимиз эвазига экин майдонини кўпайтириб, ишлаб чиқараётган маҳ-

сулотлар ҳажмини ошираётимиз. Фермер хўжалиги ўтган йили пахтачиликдан 60 миллион сўм даромад қилди. Галла ўрим-йи-

гимидан сўнг 41 оилага 4,5 тоннадан бугдой тарқатилди.
(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Республика Ҳукуматининг 2007 йил 18 июлда бўлиб ўтган мажлисида жорий йилнинг I ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди. Мажлиси Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2007 йил 12 февралда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2007 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича биринчи ярим йилликда қўрилган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг изчил ривожланишини таъминлашга қаратилган.
Масалан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,7 фоизни ташкил этди, шу жумладан sanoat ишлаб чиқариши ҳажми 11,6 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариши — 19 фоизга, пудрат қурилиш ишлари — 20,5 фоизга, чакана товар айланмаси — 16,8 фоизга, пулли хизматлар — 25,1 фоизга, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши — 5,5 фоизга ўсди. Маҳсулот экспорти 39 фоизга ошди. Унинг асосий қисmini — 70 фоизини хомашё бўлмаган экспорт ташкил этди. Ташқи савдонинг 1,7 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi сезиларли иқтисодий салдоиси таъминланди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз миқдорда профит билан ижро этилди, инфляция даражаси 2,7 фоизни ташкил этиб, прогноз параметрларидан ошмади.

40,2 минг иш ўрни яратилишини таъминлади. Аҳолининг реал даромадлари 21,3 фоизга ўсди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида 2 ёшгача бўлган болани парварош қилиш билан банд бўлган 440 минг нафар ишламаётган оналар, 18 ёшгача болалари бўлган 880 минг оила нафақа олди. 44 минг кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди, 28,5 минг кам таъминланган ва қўп болали оила бепул қорамол олди. Ногиронлар учун 2049 иш ўрни ташкил этилди. Ёш оилаларга 20,4 миллиард сўм кредит, шу жумладан ўз бизнесини ташкил этишга 10,6 миллиард сўм имтиёзли микрокредит берилди.
Иқтисодиёт вазири Б.Ҳўжаев, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А.Ҳайтов, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари А.Камалов, Андижон ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимлари, шунингдек, республиканинг бир қанча акциядорлик компаниялари ва банклари раҳбарларининг ҳисоботларида белгиланган макроеқтисодий кўрсаткичларга эришиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар самардорлиги ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг энг муҳим мақсадли комплекс дастурларининг амалга оширилиши таъқиқий таҳлил қилинди.
Идоралар раҳбарлари, шунингдек, вилоятлар ҳокимларининг эътибори хизмат кўрсатиши ва сервис соҳасини ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган агрофирмаларни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, цемент ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни барпо этиш лойиҳаларига инвестицияларни жалб этиш юзасидан қўрилган чораларнинг етарли эмаслигига қаратилди. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервис объектиларини молиялаштириш учун Бандликка қўмақлаштириш жамғармасидан ажратилаётган маблағларни ўз вақтида ўзлаштириш масаласи таъқиқий кўриб чиқилди.
Мажлис қатнашчилари олдида 2007 йил учун белгиланган вазифаларга мувофиқ устувор вазифалар ва мақсадли комплекс ривожлантириш дастурлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида йўл қўйилган камчиликларни тежорлик билан бартараф этиш вазифаси қўйилди.
Ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг амалга оширилиши ва Автомобиль йўлларини ривожлантириш концепциясида 2007 йил учун назарда тутилган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш топшириқларининг бажарилиши муҳофиза қилинди. Ушбу масала бўйича иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г.Саидова, «Ўзбекнефтгаз» миллий-ҳолдинг компанияси раиси Н.Аҳмедов, халқ таълими вазири Т.Жўраев, Сурхондарё вилояти ҳокими А.Шумуродов, «Ўзбекнефтгаз» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Р.Ўзизкулов, «Ўзавтотўй» давлат-акциядорлик компанияси раиси М.Абдуллаев, республика йўл жамғармаси директори Н.Жулибеков сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳисоботлари инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини, автомобиль йўллари қурилиши ва реконструкция қилинишини таъқиқий таҳлил қилишга, шунингдек, объектиларни сўзсиз ва ўз вақтида фойдаланишга топшириш таъминлашнинг аниқ вазифаларига бағишланди.
(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон — Афғонистон: ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 18 июль кунини Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Афғонистон ҳукуматлари қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Афғонистон Ислом Республикаси савдо ва саноат вазири Мир Амин Мухаммад Фарханг раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегацияси иштирок этди.

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, энергетика, банк-молия, кишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт коммуникациялари, сайёҳлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ҳамда компанияларидан вакиллар иштирок этди.
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қўшма комиссия хамраиси

Н.Хонов Афғонистон мамлакатининг муҳим ҳамкорларидан бири эканини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, гуманитар йўналишларда, нефть-газ саноати ва энергетика соҳаларида изчил ривожланиб бораётгани ва бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хиз-

мат қилаётгани алоҳида қайд этилди.
Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда электр энергетикаси, йўлсозлик, кўприк-созлик соҳаларидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Афғонистонга узатилаётган электр энергияси ҳажмини ошириш имкониятига қўриб қўймоқда.
Афғонистон делегацияси раҳбари, қўшма комиссия хамраиси Мир Амин Мухаммад Фарханг мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда изчил ривожланиб бораётганидан ҳамда Афғонистондаги тикла-

ниш ишларида Ўзбекистон фаол қатнашаётганидан мамнуният изҳор этди.
— Ўзбекистонга ташрифдан мақсадимиз мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, энергетика, илм-фан, транзит, транспорт коммуникациялари сингари қўллаб соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақкамлаш имкониятларини яна бир бор кўриб чиқишдан иборат, — деди Афғонистон вазири, — Мазкур соҳаларда икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тарафдоримиз.
(Давоми 2-бетда).

Сўнги соатда

Газетамиз саҳифаланаётганда Малайзиядан ақойиб хўшхабар олдик. Футбол бўйича Осиё кубоги баҳсларида иштирок этган йигитларимиз навбатдаги галабага эришилди.

ЙИРИК ГАЛАБА — 3:0

Рауф Инилеев ва Миржалол Қосимов шогирдлари гуруҳ босқинининг сўнги — учинчи турда Хитой футболчиларига қарши мейдонга тушиб 3:0 ҳисобида зафар қўниши ва чорак финал йўлланмасини қўлга киритиши.
Бутун ўйин давомида терма жамоамизнинг барча аъзолари майдонда ишончли ўйин намойиш этиб, миллионлаб ўзбекистонлик футбол ишқибозларига ақойиб байрам соғваси туғфа этишди. Қисқача айтганда, вакилларимиз Осиё кубоғига бекиз келмаганликларини барнага эслатиб қўйдилар. Терма жамоамизга галаба келтирган голларни Максими Шалюк (73-дақиқа), Темур Қоптаев (86-дақиқа) ва Адександр Гейнрих (90-дақиқа) киритди.
Ҳамюртларимиз 22 июль кунини чорак финал учрашувини Индонезиянинг Жакарта шаҳрида Саудия Арабистон терма жамоасига қарши ўтказди. Ана шу масъулиятли беллашувда ҳам футболчиларимизга омад ёр бўлишига астойдил тилак дошмиш.
З. ЖОНИБЕКОВ.

САНА

Мустақил мамлакатимиз тарихида эслайдиган, хотирлайдиган кунлар кўп. 1996 йилнинг 19 июли ҳам шундай муборак саналардан бири. Худди шу кун Асакадаги «ЎздЭУавто» корхонаси расман ишга тушган эди.

ЎЗБЕГИМНИНГ АВТОМОБИЛЛАРИ



Орадан ўтган ўн бир йилда у мамлакатимизнинг энг йирик саноат корхоналаридан бирига айланди. Бугун завод конвейеридан жаҳон стандартлари талабларига тўла жавоб берадиган замонавий автомобиллар ишлаб чиқарилаётган.
Шуниси қувонарлики, ўзбек автомобиллари ҳоризда ҳам харидор кўп. Масалан, ўтган йили заводда ишлаб чиқарилган 140 минг дона автомобилнинг 83 мингтаси Россия, Украина, Озарбойжон, Қозғистон каби мамлакатларга экспорт қилинди. Бу йил эса 170 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш режалаштирилган. Асакалик автомобилсозлар, албатта, ўз сўзларининг устидан чиқадилар.
«ЎздЭУавто» корхонаси фаолиятига бағишланган макорани газетамизнинг келгуси сонларида ўқийсиз.
Бекқул ЭҒАМҚУЛОВ.

БОШИМИЗ ОСМОНГА ЕТДИ

Дунёда касблар кўп. Ҳаётга ободлик, турмушга фаровонлик бағишлайдиган неча-неча машғулотлар бор. Лекин бизнинг назаримизда, дон етиштиришдан кўра улуг юмуш бўлмаса керак. Тандирдан янги узилган нон қанчалик ажиб бўй таратади. Қўз-қизил бўлиб пилган бурсидоқ нон галлакор меҳнатининг маҳсули эканлигини ўйлаганда, дилда тоғ қадар гурур пайдо бўлади.
Кўни кеча мамлакатимиз галлакорларининг катта меҳнат галабаси ҳақидаги хўшхабарни эшитиб қувончимиз ичмизга ситмади. Айниқса, Ўртбошимизнинг республикамиз галлакорларига йўлаган табриклари барча қатори фермер хўжа-

лигимиз жамоасини ҳам беҳад шодронлиқ билан юборди. Дехқон меҳнатига берилган бундай юксак баҳодан ҳам қувонмай бўладими, ахир!
Бизнинг фермер хўжалигимиз бу йил лалми ерларда галла устирдиди. Баҳорнинг серғиги келганлиги тўғрисида ҳосил роса бўлиб берди. Белгиланган шартнома мажбуриятини 160 фоизга уздади. Иштирокчилар ҳосилнинг ярми иштирокчиларга қолди. Биз бундан буён ҳам дон хирмонини юксалтириш, халқимиз дастурхонини бойитиш учун янада гайрат-шижоат билан ишлайверамиз.
Маҳмуд САЙДУЛОВ,
фермер,
Фориш тумани.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажоновнинг нутқи ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси С. Раҳимов, «Асака» банки бошқаруви раиси Қ. Арипов, «Ипотека-банк» бошқаруви раиси А. Абдуллаев, Фаргона вилояти ҳокими А. Абдуллаевнинг ҳисоботлари банк-моя тизимидаги ишхотларни чуқурлаштириш ва уларнинг қўлланганини кенгайтириш, депозитлардан нақд пул узулқисиз берилишини таъминлаш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш вазифаларига баъҳисланди.

Тижорат банклари раҳбарларининг эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашуви» нияти янада ошириш ва иқтисодий модернизациялашнинг инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокчи фаолиятини чуқурлаштириш зарурлиги тўғрисидаги Қарорига мувофиқ банкларнинг капиталлашуви даражасини ошириш, уларнинг инвестиция жараёнларида ва иқтисодий модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш лойиҳаларини кредитлашдаги иштирокчи кенгайтириш юзасидан банкларнинг фаолиятини чуқурлаштириш зарурлиги қаратилди.

Бош вазирнинг ўринбосари Р. Қосимов, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари

нинг раҳбарлари Ф. Назиров, Б. Алимқамедов, бир қанча вилоятлар ҳокимларининг чиқишларида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури чора-тадбирларини тўлиқ ва сўзсиз бажариш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қўриш зарурлиги эътибор қаратилди.

Мажлисда пахта етиштириш бўйича комплекс агротехника тадбирларининг бажарилиши тўғрисида қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири С. Исмоиловнинг ахбороти ва вилоят ҳокимларининг ҳисоботлари ашитилди, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш юзасидан кен-кириш бўлмайдиган чора-тадбирлар белгиланди. 2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек, қисқа ва узоқ муддатли даврларда иқтисодиётнинг барча тармоқларида суви тежаш бўйича дастурларни сифатли тайёрлаш ва қўриб қишиш учун республика Ҳукумати яқин келгач қарор қабул қилинди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2007 йил 12 февралда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ишхотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини сўзсиз амалга оширишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш аянлари бўйича республика Ҳукумати мажлисида қарор қабул қилинди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2007 йил 12 февралда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ишхотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини сўзсиз амалга оширишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

(Ўза)



(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоятдаги 12 миңдан зиёд фермер хўжалиқларининг асосий қисми ўз йўлини топиб олгани боис воҳада қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ошиб борапти. Жорий йилнинг ўтган ярми давомида салкам 159 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги маҳсулотнинг 106 фоизига тенгдир.

Мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 21 майда қабул қилган «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг Давлат умумийлиги дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг Давлат умумийлиги дастури» нияти амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қишлоқ мактабларидаги умумтаълим тизимини тубдан яхшилаш, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва жиҳозлашдаги тафсилотларни босқичма-босқич бартараф этишга қаратилган муҳим ҳужжатлар бўлди. Шунга бинан вилоятдаги мавжуд 545 та умумтаълим мактабининг моддий-техник таъминоти, ўқув бинолари, спорт заллари ва бошқа қўшимча биноларнинг ҳолати экспертизадан ўтказилиб, техник ҳулосалар асосида қисқа фурсатда 219 та мактаб мукамал реконструкция қилинадиган, 253 таси жорий таъмирланадиган бўлди. 24 та янги мактаб қурилиши режалаштирилди.

Гарчанд «Манзилли дастур» иши ижроси бўйича баъзи муаммолар бўлса-да, унинг истиқболдаги манзараси қўни қувонтиради. 2007 йилда бу каби ишлар учун 19 миллиард 397 миллион сўм сарфланди. Мустақиллик байрамимизнинг 16 йиллигига 4 та янги мактаб фойдаланишга топширилди, реконструкция қилинган ва капитал таъмирланган мактаблар эвазига 30 миңдан зиёд ўқувчи замонавий билим даргоҳларига қатнай бошлайдилар.

Яқинда Жиззах Олимпия заҳиралари спорт коллежида аҳолий мусобақаларнинг гувоҳи бўлдик. Шаҳар ва туманлардан келган 25 ёшдан ошган аёллар спортининг бир неча турлари бўйича беллашдилар. Эътиборли томони қишлоқ аёллари бирор тур бўйича шаҳарликларга бўш қолмади. Мусобақаларнинг якуновчи волејбол ўйинида Зарбдор шаҳарчаси жамоаси билан беллашган Форшичинг «Меҳнат-обод» ширкатлар уюшмаси аёллари 2:1 ҳисобида ғолиб чиққанида барча томошабинлар уларни чин дилдан олқийдилар.

Бу ҳақда батафсил гапиришимизнинг боиси Мустақиллик йилларида аёлларининг эъзозлаш, ижтимоий ҳаётда уларнинг фаолиятини ҳар томонлама оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашдир.

Сўнги йилларда марказдан узоқ жойларда ТИП-1, ТИП-5 русумдаги 6 та спорт комплекси қурилди. Биргина 2007 йилда Мустақиллик байрамига ҳам умумтаълим мактаблари қошида ҳамда спорт мактаблари учун 14 та спорт зали фойдаланишга топширилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2003 йилдан буён спорт мактаблари ва залларига 400 миллион сўмлик спорт анжумлари ва жиҳозлари етказиб берилди.

Вилоят ўрта-максус касб-хўнар таълими бошқармаси раҳбари Насиба Мавлонованинг сўзларига қараганда, Халқ таълими соҳасига ҳеч қачон мустақиллик йилларидагидек эътибор, ғам-хўрлик бўлмаган. Муҳими, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш мил-

ятда ишлаб чиқилган ҳудудий дастурга таяниб, ўз маҳоратларини намойиш этмоқда.

Республика Президенти Конституциянинг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Қайси йилга қандай ном беришдан қатъий назар — бу оила ёки аёллар масаласи бўладими, соғлом авлод тарбияси, маҳаллаларимизни обод қилиш ёки қарияларни қдрлаш бўладими, оналик ва болаликни муҳофаза этиш ёки жамиятимизда меҳр-муруват, инсонларварлик руҳини қулайтириш бўладими — буларнинг барчасини бирлаштирадиган умумий бир мезон бор. У ҳам бўлса, инсон, унинг ҳаёти, оруз нијатлари, дарду ташвишларини эътиборимиз марказига қўйиб, одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган интилишлари-



кам 115 фоизни, жами хизматлар ҳажми 122 фоиздан зиёдни ташкил этади. Ташқи савдо айланмаси 119,9 фоизга етган бўлса, экспорт ҳажми 120 фоиздан кўп.

Далада меҳнат қилаётган деҳқонлар шижоати, меҳнати самараси эса бозорлардаги тўқин-сонинидаги ўз асосини яққол намойиш этиб тургандек...

Бобур Жиззахда бўлган кезларини, бу юрtdаги тўқин-сонини, фаровонлик унга, ўша пайtdа тушқун қайғитдан бўлган ҳамроҳларига нақадар қўтаринки руҳ, ўзларига ишонч бағишлаганини «Бобурома»да қўйидагича баён этади: «Дизакта... семиз этлари ва майда этмақлар арзон, чўчқ қовуллар ва яхши узумлар фаровон. Андоқ усраттин, мундоқ арзонлик ва андоқ балиғяттин мундоқ амонликка келдик.

Ваҳми усраттин амон топтук, Янги жон, тоза ҳажоне топтук. Улим дағдағаси хотирдин рафъ бўлиб, очлик шиддати элдин дафъ бўлди. Умрумизда мунча зардон қилмайдур эдик. Ишрат усраттин сўнг, фароғат маънақатин кейин лаззатликми ва яхшироқ қўрғун... Мундоқ душман балосидин ва очлик ибтилоқидин ҳарос бўлиб, амонлик ҳолатига ва арзонлик фароғатига етуштук...

Биз Бобуримизнинг Жиззах ҳақидаги беш аср муҳаддағи таснифини баҳа келтирмадик. Зеро, бу қўнча заманининг гуллаб-яшнашида, бу диёрнинг «арзонлик ва амонлик»қа эришувиде Буюк Ипак йўлининг қанчалик таъсири бўлса, унинг бутунги қўнғиди жамоли ва фаровонлиғиде Истиклолнинг ундан-да улуроқ нафси ва нусрати мавжуддир. Андоқим, Жиззах ери азалдан саховатли, эли эса ўтмишда саодатманд бўлган, Шўролар даврида шўрланган заминдан намақлар ариб, унда униб чиққан, ниқоллар бугун жиззахликларга ва унинг меҳнатларига бол тўқмоқда. Дароқ, мамлакатимиз мағрибидан мағрибга, шимолдан жанубга автомаобиль ва поезд йўллари айнан ушбу вилоят ҳудудидан ўтади. Шу тўғрйли Буюк Ипак йўли шарафати билан улуг сиймоларини қадами теккан заминда бугун нафақат саноят корхоналари, завод ва фабрикалар, қўшма корхоналар гурираб фаолият юритаётди, балки маънавият ва маърифат гуллаб яшнаапти, асосанвий Кўнғиқнинг рами саналими Заминда мустақиллик шەриятининг энги алоқлари ўзларининг илк ишқидари билан устувор синиовидан ўтишмоқда.

Истиклол нуридан мунаввар Жиззах воҳасида иқод ва меҳнат уйғунлиги юксак оҳангларда давом этмоқда!

Эрипағ БОЛИЕВ,
Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ
Умар РАҲМОНОВ
олган суратлар.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Минтақавий анжуман

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. БЕРУНИЙ туманида минтақавий анжуман ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси депутатлари, биоэколог олимлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этган бу тадбирда Амувдэр соҳилидаги бетакрор табиати асраб-авайлаш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилинди, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

— Ушбу туман ҳудудида мамлакатимизнинг бетакрор гўша-си ҳисобланган «Бодойтўқай» давлат қўриқхонаси бор. — дейди Олий Мажлис Қонунийлик палатаси депутати Пўлат Реймов. — Бу ерда ҳайвонот оламининг йўқолиб бораётган жонивори — Бўхоро оҳулари кўпаймоқда. Айни кунда уларнинг сонин 300 бошдан ошиб кетди. Бу ҳудудда бошқа кўплаб нобб қушлар, усимликлар учрайди. Уларни асраш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистонлик ҳуқуқшунослар Африкада

ТОШКЕНТ. Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетини қошидаги Юридик клиника делегацияси 7-14 июль кунлари Жанубий Африка Республикаси пойтахти Йоханнесбургда бўлиб, Бешинчи Халқаро юридик клиника таълими журнали конференциясида иштирок этди.

Делегация аъзолари ушбу мамлакатдаги ҳуқуқий тизим билан танишдилар. Ўзбекистонлик ҳуқуқшунослар африкалик ҳамкасблари билан юридик клиникани бошқариш, ҳуқуқий мавзуларда тренинглар ташкил этиш ва бошқа бир қатор масалалар бўйича ўзаро тажриба алмашдилар.

Юнус БҮРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Булунгурда янги коллеж

САМАРҚАНД. Булунгур туманидаги касб-хўнар коллежлари сонин яна биттага кўпайди. Туман марказида спорт-педагогика коллежи фаолият қўрсата бошлади.

540 ўринли ушбу таълим қоҳонаси ва унинг 100 ўринли ётоқхонаси бинолари қисқа вақтда барпо этилди. Аслам Маматқулов бошлик «Баҳодир-А» хусусий фирмаси бунёдкорларни режалаштирилган 1 миллиард 700 миллион сўм маблағни ўз ўрнида ишлатиш, янги ўқув йилга ўқувчилар учун муносиб совға ҳазирлашди.

Абдурусол САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Оби ҳаёт лаззати

НАМАНГАН. Бўстон, Ёшлик, Гаистон ва Қизилқийёқ қишлоқлари Наманган туманининг Қўқимбой адирлари бағрида жойлашган.

Бу ерларга аҳоли кўчиб қолганга ҳали кўп бўлгани йўқ. Ассон ёш оилалар яшадади. Ҳудудда ижтимоий инфратузилма манзилларини кенгайтириш доимий эътиборда. Эндилда Кўқимбойга 5,5 километр юқори босимли қувурлар тортилиб, ичимлик суви келтирилди. Тармоқни ишга тушириш учун 93 миллион сўм маблағ сарфланди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН МУНАВВАР ВОҲА

лий дастури ҳар бир муаллим ва тарбиячининг иштиёқ билан меҳнат қилиши учун асос бўла олади. Вилоятдаги таълим рус, қозоқ, қирғиз ва тожик тилларида олиб борилаётган мактабларда ҳам ўқувчиларни дарсқилиш, устузларни керакли ўқитиш воситалари билан таъминлаш даражаси деярли юз фоизни ташкил этмоқда. Таълим тизимида амалга оширилаётган янгиликлар, ташаббусларнинг қўллаб-қувватланаётгани эса соҳа жонқурларига қучқуват бағишлайди.

Корей Республикаси, Осиё тараққиёт банки, Япония ёки Польша каби мамлакатлар кредити ёки лойиҳалари



ассосида ўқув юр்தларимизга амалий ёрдам берилганини эслайсизми? Жорий йилда биргина Япония ҳукумати кредити ҳисобидан олтига ўқув юртига 6 миллиард 183 миллион сўмлик асбоб-ускуналар, курғазмали воситалар келтирилди. Ёки Республика бюджетидан сажизта касб-хўнар коллежи қурилиши учун салкам 15 миллиард сўм ажратилганини айтмайсизми? Бундай эътибор, яратилаётган қўлайликлардан кейин номигагина ишлаб бўлмайдди. Ташаббуссиз яшаб бўлмайдди.

Коллеж ва лицейлардаги 2570 нафар ўқитувчи, муҳандис педагог вило-

вазифаларга нечоғли масъулият билан ёндашялаётганини қўрсатиб турибди.

Жиззах шаҳридаги 29-«Меҳрибонлик уйи» қисқа фурсатда батамом қайта қурилди. Уни жиҳозлашда хомийларнинг улushi қаттиқ бўлди. 145 ўринли дароҳқоннинг оғиллиқ маросими эса ҳақиқий байрамга айланди. Не-не қўмнатлар билан бу ерда яшяётган ўғит-қўзларни йўқлаб республиканинг турли бурчакларидан келганлар боллар учун бундай ғамхўрликни қўриб вилоят ҳокимлигига, қувувчию хомийларга тасаннола айтишди.

Ижтимоий ҳимоя деганда, энг ав-

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ечиш ҳамда уларнинг тақлифларини ўрганитиш бўйича соьёктларнинг бизнес лойиҳаларга тезкор равишда қўмақлаштириш мақсадида учрашувлар ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Шу муносабат билан Сиз ўз фаолиятингизда учраётган муаммо ва тақлифларни 20 июлгига қадар Кенгашининг ишчи органи - Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Савдо-саноят палатасининг ҳудудий бошқармаларига ёзма ёки оғзаки равишда беришингизни сўраймиз.

Сизни ушбу ийгилишга иштирок этиш учун тақлиф этамиз. Учрашувлар ҳар томонлама самарали бўлиши учун аввалдан ҳудудий бошқармаларнинг қуйидаги телефонларига мурожаат қилишингиз мумкин:

Ҳудудлар номи	Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг телефон рақамлари	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг телефон рақамлари	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳудудий бошқармаларининг телефон рақамлари	Савдо-саноят палатасининг ҳудудий бошқармалари телефон рақамлари
Қорақалпоғистон				
Республикаси	(8-361) 222 30 03	(8-361) 2222357	(8-361) 2237193	(8-361) 7707101
Андоқон вилояти	(8-374) 222 14 55	(8-374) 2221445	(8-374) 2244594	(8-374) 2981101
Бўхоро вилояти	(8-365) 223 34 52	(8-365) 2233013	(8-365) 2237416	(8-365) 7701101
Жиззах вилояти	(8-372) 226 40 24	(8-372) 2263447	(8-372) 2263581	(8-372) 7717101
Қашқадарё вилояти	(8-375) 226 13 45	(8-375) 2250036	(8-375) 2230164	(8-375) 7711101
Навоий вилояти	(8-436) 225 18 03	(8-436) 2237900	(8-436) 2238074	(8-436) 7703101
Наманган вилояти	(8-369) 226 14 42	(8-369) 2265189	(8-369) 2265193	(8-369) 2231101
Самарқанд вилояти	(8-366) 235 44 61	(8-366) 2340410	(8-366) 2330462	(8-366) 2101101
Сурхондарё вилояти	(8-376) 222 77 68	(8-376) 2227439	(8-376) 2275861	(8-376) 7708101
Сирдарё вилояти	(8-367) 225 25 59	(8-367) 2253605	(8-367) 2253050	(8-367) 2211101
Тошкент вилояти	(8-371) 135 53 99	(8-371) 1376017	(8-371) 3635096	(8-371) 1509101
Фарғона вилояти	(8-373) 224 07 05	(8-373) 2243391	(8-373) 2241549	(8-373) 2297101
Хоразм вилояти	(8-362) 224 04 60	(8-362) 2271100	(8-362) 2264786	(8-362) 7705101
Тошкент шаҳри	(8-371) 132 00 97	(8-371) 1446045	(8-371) 1629242	(8-371) 1503101

Ўзбекистон — Афғонистон: ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ва Афғонистон савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш имкониятлари катта. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми жорий йилнинг январь-май ойларида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 55,2 фоиз ошди. Ўзбекистон Афғонистонга қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради, қурилиш соҳасида хизмат қўрсатади.

Мажлисида Ўзбекистон ва Афғонистоннинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрофида фикр алмашилди, истиқболли соҳалар белгилаб олинди. Ўзбекистон компанияларининг Афғонистонда иқтимоий инфратузилmani тиклаш бўйича қатор лойиҳалардаги иштирокига, Афғонистон мутахассисларининг мамлакатимиздаги олий ўқув юр்தларига малака оширишига, автомобиль ва темир йўл транспорт ҳамда телекоммуникациялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қўшма комиссия мажлиси доирасида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Афғонистон ишбилармон доиралари вакиллариининг кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда Кобул-Тошкент-Кобул йўналиши бўйича тўғридан-тўғри хаво транспорт катновини очиш, банк иши, нефть-газ, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, саяёҳлик, озиқ-овқат, мева-сабзавот савдоси, электр ускуналари, металл ва металлдан тайёрланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳусусида сўз борди.

Шу кўни Афғонистон делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейига

таширф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳужо қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирдилар.

Делегация аъзолари пойтахтимиздаги Хазрати Имом (Ҳасимом) мажмуида таширф буюриб, Хазрати Имом жомеъ масжиди, Барокхон мадрасаси, Мўйи муборак зияратгоҳини кўздан кечирдилар. Меҳмонлар бу ерда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо бердилар. Ушбу мажмуанинг бунёд этилиши мамлакатимизда миллий қадриятларини тиклаш ва аждрларимиз қолдирган бой меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг самараси эканлиги таъкидланди.

Афғонистонлик меҳмонлар Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг кутубхонасида сақланаётган муқаддас Куръоннинг нобб қўлёзмаси — Усмон Қуръони номи билан машҳур китобни кўздан кечирдилар.

Ўзбекистонга бундан саккиз йил муқаддам қолган эдим, — деди Мир Амин Мурҳобайида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлдим. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши бизни жуда қувонтирди. Бу Ўзбекистон раҳбарининг миллий-маънавий меросини тиклаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказишга қаратилган оқилона сиёсати самараларидандир.

Надира МАНЗУРОВА,
Ўза мухбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Самолёт ҳалокатга учради



ҳалок бўлган. Унинг сўзларига кўра, қурбон бўлганлар сони 200 нафарга етиши мумкин.

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳридаги аэропортда «Airbus A320» самолёти ҳалокатга учради. Сан-Паулу штати губернатори Жозе Серранинг қутқарув гуруҳи маълумотида таяниб хабар беришича, самолёт бортидаги 176 кишининг ҳаммаси

Парламент шартномани ўрганмоқда



парламентнинг 21 депутати баёнотида асосланиб, мазкур ишни ўрганишга киришди. Депутатларнинг фикрича, парламент томонидан ратификация қилинган ушбу чегара тўғрисидаги шартнома Латвия қонунларида зид.

Латвия Конституцион суди Россия билан чегара тўғрисида имзоланган шартнома ва Мустақиллик декларациясини қўриб чиқиши бошлади. Суд мамлакат

Конвенцияга зид

ЕИ Комиссияси АҚШ Марказий разведка бошқармасининг (МРБ) махфий қamoқоналари Италия ва Польшада ҳам мавжуд бўлганлигини аниқлаган. Европарламентда ушбу масалада маъруза қилган Жованни Клаудио Фава Брюсселда ўтказилган матбуот анжуманида бу ҳақда журналистларга маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, комиссия ЕИнинг 14 та мамлакатда текширувлар олиб борган.

Фава МРБнинг бундай махфий қamoқоналарни қуриши ва у ерда ҳеч бир айбловсиз маҳбусларнинг аширинча ушлаб турилиши ҳамда турли қийноқлар остида суд қилиниши Женева конвенциясига мутлақо зидлигини таъкидлади.

Намоиш

ўтказилаётганда...

Покистон пойтахти Исломобод шаҳрида муҳолифат намоиш ўтказаятган пайтда портлаш содир этилди. Натижада 13 киши ҳалок бўлди, 40 киши жароҳатланди. Маҳаллий ҳокимият вакилининг сўзларига кўра, ушбу терактни камикадзе амалга оширган. Шунга қарамайдан, мамлакатдаги ҳеч бир террорчи ташкилот мазкур воқеани ўз зиммасига олмади.

Камбоджа рози

Россия Жаҳон савдо ташкилотига кириш йўлида Камбоджа билан бир қилишувга эришди. Эндиликда Россия мазкур ташкилотнинг тўлиқ аъзосига айланиши учун Саудия Арабистони ва Грузиянинг ҳам розилигини олиши керак. Шу йилнинг 23 июль кунини Женевада Саудия Арабистони билан музокаралар ўтказилиши кутиляпти. Россия ЖСТга 1990 йилларнинг ўрталаридан буён аъзо бўлиб киришга ҳаракат қилиб келмоқда.

Гиёҳвандлик балоси

АҚШдаги ҳар ўн икки ишчидан бири охириги ойлар давомида гиёҳванд моддалар истеъмол қилган. Бу ҳақда «Ассошиэтед пресс» ахборот агентлиги мамлакат ҳукумати томонидан тайёрланган махсус маърузага таяниб хабар тарқатди. Унда қайд этилишича, охирача хизматчиларидан (17,4 фоизи) ва қурилиш соҳаси ходимларидан (15,1 фоизи) энг кўп гиёҳванд моддаларига ўрганиб қолишган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Инсон — буюк ирода соҳиби. Ҳаётнинг шафқатсиз синовлари тобиатнинг турфа қутқуларини унинг қатъиятини бука олмаган. Чунки қалбда эртанги кунга ишонч туйғуси мавжуд экан, одамзот ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга қодир. Қўлларидан мосуво кишининг оёқ бармоқлари билан телевизор тузатгани ҳақида эшитганимиз? Оёқлари бемажол йигит эса қўл курашида жаҳон чемпиони бўлади. Бундай инсонларнинг истеъдодини рўйга чиқариш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш муруватпеша халқимизнинг доимий эътиборида бўлган. Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Алишер Навоий каби мутафаккирларимиз болаларда турли нуқсонларнинг намоян бўлиши, ўзгарилиши ва уларга ғамхўрлик қилиш йўллари ҳақида қимматли фикрларни билдирганлар.

Кейинчалик бу мушоҳадалар алоҳида соҳа ривожига туртки бўлди. Тошкент давлат педагогика университетига дефектология йўналиши ташкил этилди. Унда нуқсонли болаларнинг руҳий ва жисмоний хусусиятлари ҳамда уларга таълим бериш услублари ўрганила бошланди. Урта Осиёда ягона саналган ушбу даргоҳ ўтган йиллар мобайнида минтақа учун жудаям зарур бўлган мутахассисларни етказиб берди.

Мазкур йўналиш яқингача бошлангич таълим факультетининг бир бўлими сифатида фаолият юритаётган эди. Иختисослаштирилган мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида дефектологларга эҳтиёж катталигига қарамай, умумий қабул квотаси юз нафарга етмасди.

— Республикада 86 та махсус мактаб ва мактаб-интернат, 300 та мактабгача таълим муассасаси фаолият олиб бормоқда, — дейди Тошкент давлат педагогика университети бошлангич таълим ва дефектология факультети кафедра мудири Муқаррам Аюпова. — Уларда қўриш, эшитиш, ақлий ривожланиш, нутқ ва таянч-харакат аъзоларида нуқсон бўлган болалар таълим-тарбия олмақда. Шунга мос равишда кафедрамиз тўрт йўналишда мутахассислар тайёрлайди.

Ҳозирги кунда махсус мактабларда дефектологларга бўлган эҳтиёж 4670, мактабгача таълим муассасаларида 3214 кишини ташкил этади. Хусусан, эшитишда нуқсонли бўлган 4556 нафар болага 48 нафар мутахассис тўғри келаяпти. Баъзи мактабларда мавжуд 32 тарбиячининг атиги 2 нафаригина олий маълумотга эга. Махсус таълим муассасаларига жалб этилмаган болаларни ҳисобга олсак, бу кўрсаткичлар янада ортади. — Муаммо шундаки, талабаларимизнинг кўпчилиги пой-

ЮКСАК ИНСОНИЙ БУРЧ СОҲИБЛАРИ

тахтимиз ва Тошкент вилоятидан, — дея сўзини давом эттиради М. Аюпова. — Оқибатда, бошқа вилоятларга малакали мутахассислар етиб бормаяпти. Уларнинг иш ўринлари бошқа мутахассислар ҳисобидан тўлдирилмоқда. Лекин

ликаимиз таълим тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, мактаб таълимини ривожлантиришга катта эътибор бериляпти. Ҳукуматнинг юртимизга қатнаш имконияти бўлмаган ногирон болалар учун инклюзив таълимнинг жорий

услубчиси Х. Калбаева. — Аввало, соғлом болалар орасида ўсган ногиронларнинг дунёқараши кенг бўлади. Узини жамиятдан узилиб қолган, доимий ёрдамга муҳтож ҳолатда ҳис қилмайди. Қолаверса, болалар орасида ногиронларга меҳр-муруват ва бир-бирига ҳурмат шаклланади.

Бу борада дастлабки қадамлар аллақачон қўйилган.

бўлишига эришиш зарур. Шунингдек, қўрилаётган бинолар атрофида махсус йўлак ва нишаб йўлақлар барпо этиш, ногиронларнинг ўз турар жойи ҳамда ижтимоий муассасаларга бора олишлари учун шароитларни яхшилаш талаб этилади.

Бугунги кунда ижтимоий соҳа ходимларига давлатимизнинг эътибори балинд. Шу боис, дефектолог бўлишни истаган ёшлар кўпчилигини ташкил этапти. Биргина 2006 йилда ўзбек гуруҳлари учун режадаги 55 ўринга 537 нафар абитуриент ҳужжат топширган. Яъни, бир ўринга деярли ўн киши тўғри келаяпти. Бошқа олий ўқув юртиларида русийзабон гуруҳлар учун бир ўринга икки-уч киши курашаётган бўлса, дефектологияда бу кўрсаткич олти нафарни ташкил этаётди.

Ҳўш, бу мутахассисликка талаб юқори, моддий таъминот жойида экан, дефектологларга бўлган эҳтиёж нега бар-тароф этилмаяпти, деган савол туғилади.

Бу каби саволлар «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида тўла ўз жавобини топи. Унга мувофиқ, Тошкент давлат педагогика университети ҳузурида махсус дефектология факультети ташкил этилди. Жорий ўқув йилидан бошлаб унинг қабул қилиш квотаси 150 киши этиб белгиланди. Энг муҳими, кейинчалик битирувчиларни аниқ манзиллар бўйича тақсимлаш йўли қўйилди.

Шунингдек, Нукус, Ангрэн, Қўқон, Жиззах ва Навоий педагогика институтларида ҳам дефектология кафедралари очилади. Бу билан имконияти чекланган болалар ўқитувчиларини тайёрлашнинг яхлит механизми яратилади. Тез орада иختисослаштирилган таълим муассасалари жамоалари ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан мустаҳкамланади.

Демак, ҳар бир бола малакали мутахассисдан таълим олади. Ногиронлардаги нуқсонларни қамайтира бориш, уларни жамиятга фойдали инсонлар қилиб тарбиялаш ишлари янада самарали бўлади. Иختисослаштирилган касб-хўна қўлларини ташкил этиш ва инклюзив таълимни татбиқ қилиш каби қалғани вазифалар рўйи ҳам жадаллашади.

Анвар САМАДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Божхона

Дорифурқушлар қўлга тушди

Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси ходимлари «Саратов — Тошкент» йўловчи поездини божхона назоратидан ўтказишда республикамиз фуқароси Мамажон Иzzатов хорижда ишлаб чиқарилган ва сифатига ҳеч қандай кафолат бўлмаган қиймати қарийб 2 миллион сўмлик 3 кишик донга яқин дори-дармонни юртимизга юқори қиммат билан олиб киришга ҳаракат қилган экани аниқланди.

Шу каби қонунбузарлик ҳолати Наманган вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳам аниқланди. Фуқаро А. Ҳажиматов бошқарувидаги «Дамас» русулли автомашина текширувдан ўтказишда, унда ҳамюртларимиз Умида Мадрасуллова ва Наргиза Маъмуроваларга тегишли қиймати 2 миллион сўмдан ортиқ хорижда ишлаб чиқарилган 3500 донадан зиёд дори-дармон боғлиқ маълум бўлди. Сифатига кафолат бўлмаган ушбу дори-дармонларни улар Ҳоразм вилоятига олиб кетишгаётган экан.

Яширилган спиртли ичимлик

Тошкент вилояти божхона бошқармаси «Фарход» божхона пости ходимлари Бекобод шаҳрида жойлашган Омиля Мирхалиқованинг ҳондонини қонунга қарши бўлган тартибда текширувдан ўтказишди.

Натижада, қиймати 6,5 миллион сўмдан ортиқ бўлган, хорижда ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикаси ақсиз маркалари билан таъминланган 18 миң 500 қути тамаки маҳсулотлари юртимизга айланма йўллар орқали олиб кирилди, мазкур хондонга йиғиб қўйилгани аниқланди.

Вилоят божхоначилари яна бир ҳолатда, Тошкент тумани ҳудудида жойлашган М. Тўхта-сенованинг хондонини қўлга келтириш, республикамиз фуқаролари Дилшод Армонов ҳамда Уллубек Абдуллаевларнинг қонунга қарши бўлган тартибда текширувдан ўтказишга ҳақ қилишди. Гап шундаки, сохта тадбиркорлар ушбу хондонда қиймати 5 миллион сўмдан ортиқ 500 донага яқин, хорижда ишлаб чиқарилган спиртли ичимликларни хўфна саклаётган эканлар.

Н. Саломов.


МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонкорғичлар, экскаваторлар, ёнилги ташувчиларни) тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ
(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18В ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни тақлиф этади.

«Ўзметкомбинат» АИЧБ
Тўлиқ технологик циклли рангли металллар ишлаб чиқариш корхонасида қуйидаги маҳсулотлар тайёрланади:
Мис лента, туңука (лист) ва металл тилим (полоса)
Техник тавсифи:
- қалинлиги — 0,5-4 мм., қалинлиги бўйича аниқлиги — 1%, эни — 25-430 мм., узунлиги — ўлчамсиз ўрамларда (ўрамнинг ички диаметри — 400 мм., ўрамнинг ташқи диаметри — 1200 мм.), ГОСТ 1173-93, код ТН ВЭД 740911000;
- қалинлиги — 5 мм.дан 10 мм.гача, эни — 450 мм. (зиҳи кесилмаган), узунлиги ўлчамли — 1500 мм.гача, ГОСТ 495-95, код ТН ВЭД 740911000.

0,5 мм. қалинликдаги мис туңукадан тайёрланган металлочерепица
Ишлаб чиқариш корхонаси Европанинг (Италия, Австрия, Швейцария, Германия) етакчи фирмалари замонавий ускуналар билан жиҳозланган.
Мазкур ускуналарда буюртмачининг барча истақларини тўлиқ қондириш, шу жумладан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш бўйича техник имконият мавжуд.
Маҳсулотлар жаҳон стандартлари талабига жаваб беради. Улар миллий ва халқаро сертификатциялаш тизими бўйича сертификатланган.
Юқори сифатли маҳсулотимизни тезда сўказиб беришга кафолат берамиз!
Манзилимиз:
Ўзбекистон Республикаси 110502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри.
Телефонлар: (+998 370) 913-15-22, (+998 370) 912-37-94, (+998 370) 912-24-23. Факс: (+998 370) 912-37-78. E-mail: UMK-COCM@yandex.ru

Hyundai
Drive your way
Тел.: 215-89-89, 215-83-38. Кафолат — 2 йил.
www.hyundai-motor.com



Юртни обод айлаган обод бўлажак,
Ғаму қулфат, фитнадин озод бўлажак.

Ўтмишни хор айлаган — хор бўлади,
Ўтмишни ёд айлаган — шод бўлажак...

Бухорои шарифнинг қиёфаси кундан-кунга ўзгармоқда. Айниқса, қадимий Бухоронинг Қарши дарвозаси ёнидаги чорраҳа шахримиз ҳуснига ҳусн, кўркига кўрк қўшапти, десак асло адашмаган бўламиз.

АЛЛОМАЛАР ЮРТИ БУ

Пуштаи Беҳиштиён, Мозори Дарвозаи Қавола, Пуштаи Турғобек, Шайх Рангрёз мазористонларида дафн қилинганлар номи абадийлаштириш мақсадида Даҳмаи Беҳиштиён зиёратгоҳи бунёд этилди. Даҳмаи Беҳиштиён зиёратгоҳи Бухоро юрдиқ ва маънавий ҳаётнинг беҳабар, Чунки собиқ иттифоқ замонида юзлаб масжиди мадраса, макбарая мазорлар, карвонсарой, сардоба, қалъалар йўқотилди. Боболаримиз маънавий мероси ҳисобланмиш китоблар гулханларга ташлаб ёқилди. Жумладан, Пуштаи Беҳиштиён, Мозори Дарвозаи Қавола, Пуштаи Турғобек, Хожа Нуробод мазористони, Шайх Рангрёз зиёратгоҳи, Шайх Олам макбаралари атрофидаги мазористон, Тали Ғарибон мазори, Имом Қозижон макбаралари атрофидаги мазористон, Чашмаи Аюб атрофидаги зиёратгоҳ, Жўйбор гузаридagi Жўйбор зиёратгоҳи, Исмомил Сомоний макбаралари атрофидаги мазористон, Шаръобод зиёратгоҳи, Эшоним Илмо макбаралари, мажмуалари ва бошқа зиёратгоҳлардан ному нишон қолмади. Тарих саҳифаларида бу зиёратгоҳлар номи бор, лекин ўзи йўқ. Буюк бобокалонларимиз, момоларимиз, буюк авлиёларимиз, алломаларимиз суяклари хор-зор этилди. Шўро мафкурачилари улуг авлиёлар номи тарих саҳифасидан ўчиради, деб хом хаёл қилгандилар. Буни кўринки, мазорбўзар, макбарабўзарлардан ном-нишон қолмади. Лекин авлиёлар номи тарих саҳифаларида олтин харфлар билан ёзилган. Чунки авлиёлар шу заминнинг асл фарзандларидир. Улар халқ учун беҳишнат хизмат қилган.

«Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Ота-боболаримиз хоки ётган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш — бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланётгани ҳаммамизни қувонтиради». Юртбошимизнинг ушбу сўзлари ажал этган ҳолда вилоятда эзгу ташаббус билан

форс-тожик тилларига жуда кўп алломалар томонидан шарҳланган. Ҳазрат Абдуллоҳ Ансорий (ваф. 1192), Ҳазрат Алсуддин Қонийвий (ваф. 1328) араб тилига, Имом Мустамлий ал Бухорий (ваф. 1043), Ҳазрат Хожа Муҳаммад Порсо ал-Бухорий (1348-1420) форс-тожик тилига шарҳлаб, китобдаги ҳикматлар сиру асроридан Ғарбу Шарқ олимларини воқиф этганлар. Ҳазрат Абу Зайд ад-Дабусий ислом ҳуқуқшунослиги

дек, мазори аҳли ҳадис ҳам шу ердадир... Янги авлод ёғ заводи, 4-мактаб, кооператив техникум (ҳозирги Бухоро юрдиқ ва маънавий хизмат коллежи) ўрнида қадимда мазористон-зиёратгоҳ бўлганлиги, ушбу табаррук зиёратгоҳ шўролар замонасида оёқости қилиниб бузилганлигини ва истиқлол шарофатидан ушбу мазористонларда дафн қилинган буюк зотлар номи шарафига «Даҳмаи Беҳиштиён» қайта тикланганлигини билиши керак. Айни шу кунларда «Даҳмаи Беҳиштиён»нинг минглаб сайёҳлар, шунингдек, юртдошларимиз зиёрат этмоқда. Мазкур чорраҳадан ўтаётган ҳар бир йўловчи улугларимизни эслаб, улларнинг руҳини шод этиш мақсадида дуойи фотиҳа қилмоқда. Ушбу зиёратгоҳ тарихини кўз қорачиқидек асрашда Бухоро юрдиқ ва маънавий хизмат коллежи жамоаси намуна бўлаётди. Коллеж сардори Нуриддин Бозоров ташаббуси билан зиёратгоҳ тарихи, ушбу ерда дафн қилинган элликдан ортиқ авлиё, алломалар тарихи ҳақида толиби илмларга сабоқ берилмоқда. Толиби илмлар зиёратгоҳ тарихини урганиш билан бирга унинг атрофини гулзорга айлантиришда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Ёшларни маънавий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда бу тадбирларнинг хизмати беҳисобдир.

Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ.

Муқаддас қадамжолар

Йўлдошлар сизидилдан хизмат қилдилар. Тарихий манбаларда ёзилишича, бу ердаги мазористонда улуг авлиё, муқаддас, шайхул олам унвонига сазовор бўлган зот Шайх Абу Исҳоқ Гулободий (ваф. 991), Ҳазрат Абу Бакр Хомид (ваф. 945), Ҳазрат Абу Зайд Дабусий (ваф. 1039), Ҳазрат Нуриддин Собуний (ваф. 1184), Хожа Абдуллоҳ Барқий (ваф. 1160), Хожа Ҳасан Андоқий (ваф. 1158), Мавлоно Бурхониддин Анжир Фағнавий ва бошқа зотлар дафн этилган.

Гулободий — «Тасаввуф йўлини таништириш» номли жаҳонга машҳур китобнинг муаллифи ҳисобланадилар. Ушбу асар араб тилида ёзилган бўлиб, неча асрлардан бери тасаввуфшуно олимлар, шайхлар, сўфийлар, тарихат илосмондлари учун муҳим кўланмадир. Бу китоб араб ва

бўйича «Илмул хилоф» деб аталган янги фаннинг асосчиси ҳисобланади. Бу зоти шариф аҳли суна мазаҳаблари орасидаги қарама-қаршиликларни тартибга солиб, илмий услубда ўрганганлар. (А.Ш. Жўзожоний, «Ислом ҳуқуқшунослиги», «Тошкент ислом университети нашриёти», 2002 йил, 213-бет).

Атоқли аллома, буюк файласуф, муаррих, шоир, астрономия олими, меъмор, хаттот, лавоҳ, рассом Ҳазрат Аҳмад Донишнинг «Наводир ул вақоъ», «Тақвим дафтари», «Мунозир ал Қавокиб» ва бошқа китоблари машҳурдир. «Аҳмад Дониш шоирликда Саъдий Шерозийга, мусаввирликда Бехзоду Монийга, Фалакиёт илмида Улуғбек Қўрағонийга, табобатда Ибн Синога ўхшар эди» (Садр Зийё). Пуштаи Беҳиштиёнда «Қузотус сабъа» (Етти қози) зиёратгоҳи ҳам бўлган, шунинг-

«ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР!»

Муллаўйчи Тошмуҳаммадов номли Қашқадарё вилоят мусикали драма театрида юртимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Ватан ягонадир, Ватан биттадир!» мавзусидаги танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Чироқчилик Фароғат Йўлдошева ва қаршилик Атабек Мўминов танлов

голиби бўлишди. Яқкабоғлик Алишер Нурматов иккинчи, китоблик Дилшод Очилов учинчи ўринларни эгаллашди. Танлов ёш истеъоддорларни кашф этиш, Ватан мадҳини тараннум этувчи янги-янги кўшиқлар яратилишини рағбатлантириш нуктаи назаридан гоё катта аҳамиятга эга. Унда ижро этилган энг яхши кўшиқлар мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари дастурига киритилади. Голиблар танловнинг Тошкент шаҳрида бўладиган республика босқичида иштирок этадилар.

Б. НОҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Санъат

Тошкентда «Ўзбекистон рекордлар китоби» биринчи бобининг тақдими бўлиб ўтди.

ТАҚДИМОТ

Ўзбекистон рекордлар китоби

«Китоб жами 10 бобдан иборат бўлиб, унга юртимиз фуқароларининг дунё ва республика миқёсида эришган муваффақиятлари ҳақида қизиқарли маълумотлар киритилди», дейди «Академпресс» ташкилоти директори Алишер Одилов.

Китоб тўлиқ ҳолда келгуси йилнинг бошларида чоп этилади ва у мамлакатимиздаги турли сайёҳлик фирмалари, элчиноналар орқали дунёга тарқатилади. Қолаверса, қизиққан муштарийлар тайёрланаётган мазкур китобни интернет орқали ўзбек, инглиз ва рус тилларида ҳам бемалол ўқишлари мумкин бўлади.

Б. ЮНУСОВ.

Спорт • Sport • Спорт

Африка ўйинларида кураш тақдими

Жазоир давлатида бўлиб ўтган Африка ўйинларида миллий спортимиз — курашнинг расмий тақдимот маросими ўтказилди. «Ла Курол» спорт мажмуида бўлиб ўтган тақдимот маросимида 40 дан зиёд давлатлар Олимпия кўмиталари раҳбарлари ва минглаб томошабинлар иштирок этди. Дастлаб Африка китъасининг турли бурчакларидан келган полвонлар кураш қоидалари, техникаси ва тактикаси билан таништирилди. Сўнгра катта экранда кураш, унинг ватани Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи «Кураш» фильми намойиш этилди. Тўрт йилда бир марта ташкиллаштирилаётган Африка ўйинлари китъадаги энг нуфузли спорт тадбирларидан ҳисобланади.

Осиё чемпионатида учта медаль

Филиппин пойтахти Манилага юнон-рум кураши бўйича 20 ёшгача бўлган полвонлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда ҳамюртларимиздан Элдор Ҳафизов, Жаҳонгир Мўминов ва Сухбат Ҳожиёвлар ўз вази тоифаларида бронза медалларини қўлга киритди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор **AVTODOM PLUS**

GAZ-3221
Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

GAZ-31105, «ВОЛГА»

GAZ-33023 «Фермер»
юк кўтариши — 1,5 тн.,
6 ўриндиқли

GAZ-3307, 40 та
газ баллонлари ташувчи

GAZ-2705, 7 ўриндиқли
металл билан қопланган фургон,
юк кўтариши — 1,3 тн.,
3 ёки 7 ўриндиқли

GAZ-3309 Турбодизель
юк кўтариши — 4,5 тн.,
2 ўриндиқли

GAZ-3307
Автовакуатор

GAZ-3302, нон ташийдиган,
лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТАЛОВ ШАКЛИ ТУРЛИЧА

«ОМСКШИНА» ОАЖ АВТОШИНАЛАРИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРАН СОТИЛАДИ.

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР КАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли асвенизаторлар, автогидроқурғишлар, автоустаконлар, бургулаш (буровые), чикинди ташийдиган, мобил билборлар, автовакуаторлар.

АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сўт ташийдиган, ёнилги ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари:
126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА
ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

Махсулот сертификатланган

AK ARSENAL Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-75, 361-40-90.
Факс 361-40-33. Сайт: www.uzkam.com

М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти жамоаси санъатшунослик кафедраси ўқитувчиси Нилуфар Кумушевага отаси

Жасур РАСУЛТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат техника университети жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог, олий таълим ва университет фахрийси

Учун Алиевни ИСАМУҲАМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзолари ва яқинлирига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 25266 нусхала босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мизанкалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида териял ва операторлар
Жампед Тоғиев ва Муҳаммадала Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т—Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА лужуни — 22.15
Топширилди — 23.30

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болшев.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусахҳач — Ш. Машраббеов.

1 2 3 4 6